


ЖАЛДҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

9 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА № 110 (615). 1993 йил. Сотувда эркин нархда.



КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ НИДЕРЛАНДЛАР ҚИРОЛЛИГИ



БОШ ВАЗИРИ ТАКЛИФИГА БИНОАН ШУ МАМЛАКАТГА ЖўНАБ КЕТДИ

8 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Нидерландлар Қироллиги Бош вазири Рудольф Любберсинг таклифига биноан расмий-амалий ташриф билан шу мамлакатга жўнаб кетди.

Ислам Каримов сафар олдидан тайёрагачда журналистлар саволларига жавоб бера туриб, Нидерландлар Қироллиги аяни пайтада дунёнинг ривожланган мамлакатларидан бири эканини қайд этди. Саноатни, айниқса, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида бу мамлакатда қўлланаётган технологиялар дунёнинг барча давлатлари каби Ўзбекистонда ҳам қатта қизиқиш уйғотмоқда, деди Президент. — Сафардан мақсад — ушбу мамлакат билан ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш, жаҳон тажрибаларига таяниб, келажакда Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги, чорвачилик маҳсулотлари билан ўз-ўзини таъминлашига эришишдан йборат.

Тошкент аэропортида Ислам Каримовни республика Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев, Бош вазири А. Муталов, Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Умуразофов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков, ташқи ишлар вазири С. Сафоев ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

(ЎЗА).



Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги Охунбобоев номи давлат наслилик хўжалиги нафақат зотли чорва моллари етиштириш бўйича, балки кичик корхоналарнинг қўлги жиҳатидан ҳам етакчи ўрнида туради. Аяни пайтада хўжаликда рўмол тўқиш, дуррадорлик, оҳак, асфальт, тегирмаон, мойжуво ва шунга ўхшаш бир қатор

кичик корхоналар мунтазам ишлаб турибди. Энг асосисси маъмур ҳаётларида тайёрланаётган маҳсулотлар хўжалик аҳлига 28—30 фоз арзонлаштириб сотилимоқда. СУРАТДА: хўжалик бошлиғи Йўлдошев хоним Маҳмудов. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

ДАЛАЛАРДА РИЗҚУ НАСИБА

КАСБИ ТУМАНИДА ҒАЛЛА ҲОСИЛИНИ ИЙГИШТИРИБ ОЛИШГА БАҒИШЛАНГАН РЕСПУБЛИКА КўРИК-КЕНГАШИ БўЛИБ УТДИ

Бу йилги баҳор ғаллачилик учун ниҳоятда барқарор келди. Уста-уст бўлиб ўтган ёғингарчиликлар барча майдонларда майсаларнинг бўлиқ ривожланишига қўлай имкониятлар яратди. Қашқадарё вилоятда 200 минг гектардан зиёд лаламкор, 100 минг гектар сугорилган майдонларда етиштирилган мўл ғалла ҳосилини қисқа муддатларда, нес-нобудгарчиликка йўл қўймасдан ўриб-ячиб олишга пухта тарафдад кўрилатди. Вилоятнинг Касби туманидаги Ҳамза Хўжакулов бошлиқ бригадада бу юмуш биринчи бўлиб бошлаб юборилди.

Бригада дала шийпонидан ғаллани табақалаб ўриб-ячиб олиш, сугорилган майдонларда эса ўрм Утка, англандан сўнг тақрибий экинлар экиш бўйича республика кўрик-кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда республиканинг вилоятлари ҳокимларининг деҳқончилик мажмуи масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари, вилоятларнинг деҳқончилик-саноат, қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлаш ва таъмирлаш бирлашнинг раҳбарлари Қашқадарё вилояти туманлари ҳокимлари, деҳқончилик-саноат уюшмалари вакиллари, мутахассислар, республикадаги йирик илмий-тадқиқот олийгоҳларининг раҳбарлари, на-тор вазириликларнинг вакиллари иштирок этдилар. Кенгашда қишлоқ хўжалигини техника билан

таъминлаш ва таъмирлаш республика давлат қўмитасининг раиси Р. Хўсанов, республика дончилик илмий-тадқиқот маркази директори Р. Элмирзаев, Чирчиқ район ҳокими Р. Норбутов, Қашқадарё вилояти деҳқончилик-саноат бирлашмасининг раиси О. Гулов, республика қишлоқ хўжалиги вазири Н. Қанюмов, Қашқадарё вилояти ҳокими Т. Хидиров ва бошқалар сўзга чиқиб, ғалла ҳосилини табақалаб ўриб-ячиб олиш, сугорилган майдонларда тақрибий экинлар, хусусан, маккажўхори, сабзавот, поллиз экинлари экиш ҳақида қимматли маслаҳатлар бердилар, амалий таклифлар ўртага ташланди.

Кўрик-кенгаш қатнашчилари бевосита далада бўлишиб, бу соҳада амалий оширилаётган ишлар билан танидилар.

Қашқадарёда 1993 йил ғалла ҳосилига ўроқ тушди. Даладаги битган ризқ-насибани саранжомлаб олиш бошлаб юборилди.

П. ГАДОВЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

сиёсатни таҳлил қилиш бўлимининг ходими.

1974 йил — Япония Саноат ва савдо вазирилик ва нефть қазиб чиқариш бўлими мудирининг ўринбосари, нефть саноатини режалаштириш бўлими мудирининг ўринбосари.

1976 йил — Япония Ташқи ишлар вазирилик иккинчи сонли Шарқий Европа бўлими мудирининг ўринбосари.

1976 йил — Япониянинг Лондондаги элчихонаси котиби.

1978 йил — Япониянинг Москвадаги элчихонаси котиби.

1980 йилдан бошлаб Япония Ташқи ишлар вазирилик Освэ сиёсатини режалаштириш бўлими мудирининг ўринбосари бўлиб ишлаган.

1983 йил — Япония Ташқи ишлар вазирилик маъмуриятини яхшилаш бўлимининг

мудири.

1984 йил — Япония Ташқи ишлар вазирилик халқаро сиёсатни таҳлил қилиш бўлимининг мудири.

1985 йилда АҚШдаги Гарвард дорифунуни халқаро муносабатлар институтида билимини оширади.

1986 йил — Япониянинг Бағдоддаги элчихонаси вазири, Ироқ.

1989 йил — Япониянинг Оттавадаги элчихонаси вазири, Канада.

1991 йил — тадқиқотлар миллий институти халқаро муносабатлар бўлимининг мудири.

1993 йил — Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги факултетада ва мухтор элчиси. Уйланган, икки фарзанди бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирилик.

ЯПОНИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ

Укеру МАГОСАКИ



1943 йилда Хитойда туғилган. 1966 йилда Токио дорилфу-

нунининг ҳуқуқшунослик факультетини битирган. 1966 йилда Япония Ташқи ишлар вазириликка ишга кирган. 1966 йилда Англиядаги ҳарбий мактабда ўқиган. 1967 йилда Лондон дорилфунунининг Шарқий Европа факультетини битирган. 1968 йилда Москва Давлат дорилфунуни институтининг факультетини битирган. 1969—70 йилларда Япониянинг Москвадаги элчихонаси котиби бўлиб ишлаган. 1971 йилдан — Япония Ташқи ишлар вазирилик халқаро

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

ТОШКЕНТДА Ўзбекистон Республикаси, Умулжаҳон Банки, Германия техника ҳамкорлиги жамияти биргаликда уюштирган «Меҳнат бозори ва Ўзбекистон аҳолисини иқтисодий жиҳатдан мавзундаги беш кунлик миллий семинар давом этмоқда. Унда Корея, Туркия, Япония, Олмония, Бразилия мамлакатларидан келган 20 дан зиёд турли соҳа экспертлари иштирок этишмоқда. Унинг даврида аҳолини иш билан таъминлаш иқтисодий муҳофазаси қилиш масалалари билан ҳоризий ўқувларда узоқ шуғулланган мутахассислар Ўзбекистоннинг ҳаммасблари билан тажрибаларини ўртоқлашмоқда.

Ж. КВОН, Жабулий корейлик иқтисодчи. — БИР ой муқаддам Сеул газеталаридан бирида Корея Ўзбекистонда автомобил корхонасини кураётгани, бу юртда минглаб корейслар

диган семинарга йўлланма тўташди. Қанчалик суяноғаними курсангиз эди. Самолётда Ўзбекистонлик корейс йиғитлар билан танишиб қолдим. Улар ДЭУ корхонасига бориб иш ўрганишиб қайтишгаётган экан. Уларга тақлиф қилишди. Айтишларига қараганда, Тошкент яқинида корейслар гул яшайдиган қишлоқлар бор экан. Буш вақт тоғим дегунча, ватадонларим қи-зурига боришга ҳаракат қилмаган. Семинарда маърузам бор. Кореяда аҳолининг иқтисодий муҳофазаси қилиш тажрибалари Ўзбекистон шартини-га мос келади деб ўйлайман. Иқтисодий ислоҳотдан мам-

лакатнинг барча функциялари бохабар қилинса, унга тур-ри, ҳалоллик билан ёнда-шишса, ўсиш, ривожланиш бўлади. Даромад қўяди, иш юришиб кетади. Кореяда иқтисодий йирик марказ ислоҳот, режалаш-тириш билан банд. Булар — Корея режалаштириш ва иқтисод илмий-тадқиқот ин-ститутидир. Ҳар иккиси бир-бири билан мустаҳкам алоқада. Кадрларни ёшлик-дан соҳаларга қизиқтириш, ўқитиш, тайёрлаш, малака-сини ошириш билан ҳам шу-ғулланишди. Мабола маса-ласида муаммо йўқ. Эҳти-жига ярашсан ажратилади. Ҳатто чет эللардан ана шу илм маскаларига мутахас-сислар ишга таклиф қилина-ди. Ишлаш истагида юрган-лар бисёр. Чунки иш ўр-натуви мутахассисга катта маош, уй, қўйинги, ҳамма шартин муҳайе этилади. (Давоми 3-бетда).

«ИККИНЧИ ТОМОННИНГ ҲАМ ФИКРИГА ҚУЛОҚ СОЛИНАДИ»

Ғаразли мақсадлар билан «обрў ортираётган» жу-да кўп нашрлардан фарқи равишда Америкада чи-қадиган «Новое русское слово» газетасида босилган «Ўзбекистон: барқарорликнинг қадр-қиммати» сар-лавхали мақолани пухта ўйлаб ёзилган ҳаққоний ма-қола, дейиш мумкин.

Яқинда Ўзбекистонда бир неча ой турган Владимир Пильнякнинг мақола-сини шахсий фикрини ифо-далайди. Мақоланинг бо-шида «иккинчи томоннинг ҳам фикри эшитилиши» де-ган қадимий рим ибораси келтирилган тасдиқ эмас. Ана шу томон (бу ўринда мақола муаллифи қўлда ту-тилмоқда) етарли даражада муфассал, одатда жазавага айланиб кетадиган сарфата-ларсиз, газетхонага Ўзбеки-стондаги сиёсий вазиятнинг етарли даражада батафсил манзарасини чизиб беради.

Муаллиф қонуний йўл билан сайланган ҳокимият рақибларининг тутган ўри-ни тўғрисида тапириб, Ўзе-бекистон Президенти Ислам Каримовнинг гапларини келтиради: «Ўзбекистонда айдантарастини ғалаба қи-ладими ёки демократиями, деган масала ҳал этилаёт-ган бир пайтада муколифат-нинг икки-уч арбоби ҳа-қида гапирришга на ҳожат». Шундан сўнг у рус тилида гаплашадиган америкалик газетхонларга Марказий Оснэ минтақасидаги энг катта мамлакатлардан би-ридаги ишларнинг аҳволи ҳақида етарли даражада

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ВАМАНИМ МАНИМ

«Халқ сўзи» ва Ўз А мухбирлари хабар қиладилар

САМАРҚАНД БИЛАН ТАНИШЎВ ЯҚИНДА Европа парламен-ти аъзоларидан бир гуруҳи Са-марқандга тапириф бўурди. Меҳмонлар қадимий шаҳарнинг нобб тар-ихий обидалари, хусусан, Регистон ёдгорликлар мажмуаси, Улуғбек расадхонаси, Амир Темур мақбараси, Бибиҳоним масжидини бориб кўрдилар. Шу кунини улар Самарқанд вилояти ҳокими П. Абдураҳмонов билан суҳбатлашдилар. Тушдан сўнг меҳмонлар Самарқанддан Бу-хорога жўнаб кетдилар. Меҳмонларга Ўзбекистон Республикаси таш-қи ишлар вазири С. Сафоев ҳамроҳлик қилди.

ОЛДИНГИСИДАН УНУМЛИ БУХОРО. Бугунги таърихчи заводида хашак майдалайдиган агра-регат тайёрланапти. КОРХОНА конструкторлари олдин иқтисади тажриба намунасини ясаб уни Ромитан ту-маниди «Евротурнинг» намоа хўжалигинида синиб кўришга беришганди. Хўжалик мута-хассислари янги машиналар ҳозир ишла-ти-лаётган агрегатларга инебатан анча унумли эканлигини таъкидлаб, қамчиликларини қайд эттиди. Уларнинг тавсиялари аграрегати қў-лаб ишлаб чиқариш чоғида ҳисобга олинди.

СУВ БОР ЖОЙДА ҲАЁТ ҚАЙНАЙДИ

УЙЧИ. Туман марказидаги хо-надонлар қувур сувдан баҳраманд бўлишгапти.

ИЛГАРИ айрим кўчаларда суани ташиб ичтишарди. Қўвур тақинчилиги туфайли бу ишни вақтида урдалашнинг иложи бўлмади. Ниҳоят мол айирбошлаш эвазига коралик ус-куналар келтирилиб, қисқа муддатда монтаж қилинди.

ХОРИЖДАН КЕЛТИРИШГА НА ҲОЖАТ

ЖИЗЗАХ. Вилоят матлубот уюшмасининг ион комбинатда италиянча сплагетти макаронлари иш-лаб чиқариш йўлга қўйилди.

РОССИЯНИНГ «Комета» ишлаб чиқариш бирлашмасидан 600 минг сўмга иқтисади агра-регат сотиб олиб, ўрнатилди. Ҳозир ҳечда верми-шель, угра, макароннинг бир неча турлари тайёрланмоқда. Маҳсулотнинг бир қисми кор-хона ёнидаги фирма дўконидан сотилапти.

САБОҚ БЎЛСА АЖАБМАС

ҒАЛЛАОРОЛ. Қўйтош кони ди-ректори лавозимини четлаштирил-ди.

КОН тасарруфидан давлат уйларинида ти-бобет ҳодимлари, иқдорлар ҳам ишларди. Директор бу уйларни хусусийлаштириб бе-ришни ярим йил пайсалга солди. Бу тибиет ҳодимларининг норозилигига сабаб бўлди. Туман давлат назоратчилиги аралашшича, муаммо ҳал бўлди. Президент фармони-га этиборсизлик билан қараган директор ишдан олинди. Бу сабоқ бўлса ажабмас.

ПУЛ ОДАМНИ ҲАР ҚУЙГА СОЛАДИ

САМАРҚАНД. Унвирсал-товар бирчаси бронеи С. Халимов бо-сар-тусарини билмай қолуди.

КўПЧИЛИК унга ҳавас билан қариб, урда-буронлигига тасанно айтишарди. Яқинда курилмаган ҳодиса рўй берди. 4-таксимотор парки ҳайдовчиси О. Назаровга пичоқ кўрс-тиб пулиса қилди. Автоматини нассасидан 800 сўм пулин тортиб олди узоққа борол-мади. Яқинот қидирув ҳодимлари ишбилар-мон брокернинг қўлларига кишан урди. Одам олмаси ичиди бўлади деганлари шу экан-да.

КўРГАЗМА БАЙРАМГА АЙЛАНДИ

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон ҳунар-техника билим юртлири уставона-ларида тайёрланган махсулотлар IV республика ярмараси ўтказилди.

УНДА Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги билим юртлири ишти-рок этди. Бухоролик талабалар намоийш эт-ган зардушаник буюмлари, дўппилар, катта-қўрғонликлар ясаган сопол лаганлар, гул-донлар томошабинлар эътиборини торти-ди. Шу кунини савдо кўргазмаси уюштирилди. Ўзбекистон ҳаваскорлик даста-лари кўргазма-байрамга файз киритди.

ФАКТАЛАР ВОКЕЛАЛАР ЯНГИЛИКЛАР

ФАКТАЛАР ВОКЕЛАЛАР ЯНГИЛИКЛАР

Долзарб мавзўда суҳбат

НАРХ-НАВО ЎЗГАРИШИ АҲОЛИ ҲИМОЯСИНИ КЎЗЛАЙДИ

ЯҚИНДА матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1993 йилнинг 1 июнидан маҳдуд ҳақи, пенсиялар, стипендияларнинг, бошқа ошқарма индустриаларнинг миқдорларини ошириш ҳақида республика истеъмол бозорини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги Фармони эълон қилинди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ эса Вазирилар Маҳкамаси «Аҳолига сотилмаган озиқ-овқат маҳсулотларининг нархларини ва хизматларнинг тарифларини қўлга кўриб чиқиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Мухбиримиз республика Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси бўлимининг бошлиғи А. З. ИУЛДОШЕВА мурожаат этиб, Президент Фармони ва Вазирилар Маҳкамасининг қарорини шарҳлаб беришни илтимос қилди.

— Анвар Зиёевич, энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг бири-бирига 2 баравар оширилганини қандай изоҳлаш мумкин? — Жумҳуриятимизда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг натижаси сифатида аҳолининг мазмун-моҳиятга эга бўлиши, Ўзбекистон ҳукумати бозор муносабатларига ўтишни бошқариладиган йўлдан бормоқда. Чунки, Президент Фармонининг асосий мақсади аҳоли барча табиқалари фаровонлигини моддий жиҳатдан янада яхшилашдан иборат. Иқтисодий сўбатнинг муҳим тамойилларидан бири — нарх-наво сибати бўлиб, у асосий озиқ-овқат ва саноат моллари нархларининг давлат томонидан тартибга солиб туришни назарда тутди.

Нарх-навонинг қайта кўриб чиқиши биринчи гада шу билан изоҳланади, бизда МДХнинг бошқа давлатлардагига нисбатан нарх-наво анча арзон эди. Табиқий, бу аҳоли учун ўта зарур озиқ-овқат ва молларнинг жумҳуриятимиздан ташқирга чиқиб кетишига олиб келди. Республика ҳукумати молларнинг Ўзбекистондан ташқирга чиқиб кетишини камайтиришга қаратилган бир қатор чораларни кўрди. Масалан, божнона хизмати учун бюджетдан кўпга маблағлар ажратилди. Аммо бу табиқий равишда наф бердики! Айтайлик, миллион сўмлик мол-маҳсулот ишлаб чиқилган бўлса, олиб чиқиб кетишнинг бундан ҳам кўп. Шу боис биздаги нарх-навонинг ҳам қўшни давлатлардаги миқдор билан тенглаштиришга тўғри келди.

Ягона рубль минтақаси шартинда Ўзбекистон аҳолиси маънавий яқини фақат бир вақтнинг ўзида ҳам пул доғдаларини ошириб, ҳам нарх-навоини тартибга солиш йўли билангина ҳимоялаш мумкин. Бунинг учун иш ҳақини ўртача 2,5 баравар ошириш чораси қўлланildi. Эйтиб бериш-га, белгилаб қўйилган маҳсулотлар нархи фақат икки баравар оширилди. Эркин сотилмаган молларнинг нархи эса тегишмади. Самараси маълум: 7 минг сўм турядиган ва ҳаридори шундоқ ҳам кам бўлган туфтининг нархини икки баравар оширишдан нима наф? Агар бундай моллар нархи оширилганда ҳам ик-

(Давоми. Боши 1-бетда).

Парвез ҲАСАН, Умумжаҳон банки доимий ваколатхонаси раҳбари — АНЖУМАН Ўзбекистон ҳукуматининг ташаббуси билан ўтказилди. Унда Умумжаҳон Банки билан Олмония техника ҳамкорлиги жамиятининг таниқли экспертилари «қатнашаётгани» бежиз эмас. Чунки биз тақлиф қилган мутахассислар қатор хоржий давлатларда ўтиш даврида аҳолининг иқтисодий ҳимоялаш, ишчиларни ҳимоялаш мақсади билан узок шугулланишган. Хуллас, тажриба, Япония, Туркия, Корея, олмонияликлар ўз тажрибасини билан ўртоқлашадиган ташқир кўргазмалар ҳам олий келиди.

Мутахассисларимиз Ўзбекистондаги ишчилар, иқтисодий ҳам таъминланганларнинг аҳолини ўрганиш, ердан пулларни бериш тўғрисидаги муаммоларни ўрганишди. Юздан анча папка таёрлаб қўйдик. Хужжатлар икки — инглиз, рус тилларида битилган.

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

Экспертлар бешта гуруҳга бўлиниб ишлашапти. Асосан, иккита муаммо кўрилади. Биринчиси нам таъминланган ошқарма қандай муҳофаз қилиш бўлса, иккинчиси ишчиларни ҳимоялаштириш. Илгари собиқ Иттифонда ишчилар тўғрисида гапирилмасди. Меҳнат бижралари ҳам йўқ эди. Энди илгор мамлакатлар тажрибасидан иборат олиб, уларга нафақа бериш, неча сўм, қанча мuddатга ердан уюштириш, ҳатто уларни иш билан таъминлаш, ёш ишчиларни қайта ўқитиш масалалари синчиқлаб ўрналиди. Қатор хоржий давлатларнинг бу борадаги тажрибалари муҳамама қилинапти. Шубҳасиз буларнинг Ўзбекистонга нафи тегади.

Б. УМУРЗОҚОВ, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий таъминот вазири — АҲОЛИНИ ИҚТИМОЙ

муҳофазалашнинг яқли тизимини яратиш жараёнидаги муаммоларни ҳал қилмай туриб, бу борада илгари синчиқ мушкул. Аввало, ишчи ташкил отувчи малака кадрлар таққилиги йўлимизга тўғаноқ бўлапти. Зарур иқтисодий ердан олиш учун ўнлаб маълумотномалар, ҳужжатлар, шифофор хулосалари талаб қилинади. Буларни замонавий техника-сиб вақтида тайёрлашга ул-гуриб бўлмайд.

Маъмурий идораларнинг техник воситалар билан жиҳозлаш даражасининг пастлиги ҳам (транспорт, бошқаруви ташкиллантиришда қўлланиладиган техник воситалар, ахборотларнинг қайта ишловчи ускуналар) уюштирилган ердан тез етказиш-га имкон беришапти. Бундан ташқари, пулинг тез қадросиланиши, модиявий тизимнинг барқарор эмаслиги натижасида иқтисодий

ердамни ҳар сафар қайта кўриб чиқишга мажбур бўлишапти. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пасайиши, ҳужжаликлар, корхоналарга алоқаларнинг узиллиши туфайли уллар иқтисодий зарурат, тўловлар вақтида маблар ажрата олмапти. Оқибатда нафақалар жамғармаси пенсиялар учун етарлича пул топишда қийналиб қолишапти.

Ана шу муаммолар тўла ҳал этилгандагина кам таъминланган, ноқор, ёлғиз, кўпболали, ногиронлири иқтисодий ҳимоялашга бури-лиш ясаилиш табиқий. Семинарда ана шу муаммолар хоржий давлатларда қандай ҳал қилинганини мутахассисларимиз атрофлича ўрганишди.

«Халқ сўзи» мухбири Исмаил ТОШЕВ ёнаб олди.

Хориждан хабарлар

Минскда МДХ мамлакатлари мувофиқлаштириш масаласида келтирилган мажлиси очилди.

Унда Ҳамдўстлик давлатлари иқтисодий иттифоқини барпо этиш ва унинг фаолиятини белгиловчи ҳужжатларни тайёрлаш бошлаш кўзда тутилди.

Жумладан, рубль зонасида қолгани хоҳлаган давлатлар учун шу зонани сақлаб қолиш мўлжалланмоқда.

Алматиде МДХ давлатлари ташқи иқтисодий мақамалари раҳбарлари кенгашининг иккинчи мажлиси очилди.

Мажлисида Тожикистон ва Ўзбекистон вақиллари ҳам қатнашмоқдалар.

Эркин савдо тартиб доирасида нарх-навоини уйғунлаштиришнинг умумий қондалари тўғрисидаги, экспортни назорат қилиш ҳақидаги қарорлар кўриб чиқилиб қабул этилди.

Қозғистон моллари ташқи бозорга дадил чиқиб бормоқда.

Қозғистон ҳисоб ва таҳлил давлат комитетининг хабар қилишича, шу йилнинг тўрт ойи мобайнида республика чет элларга, асосан ривожланган капиталистик давлатларга ва собиқ социалистик мамлакатларга 355 миллион долларликдан зиёд маҳсулот чиқарди, ўзи эса четдан салкам 86 миллион долларлик мол сотиб олди.

Украина мудофаа кенгашининг Леонид Кравчук раислигида бўлиб ўтган мажлисида Қора денгиз флотидеги вазиятни бартафат этиш масалалари кўриб чиқилди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисида давлатнинг мудофаа қўбилангани таъминлашга тааллуқли бошқа бир қанча муҳим масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Россия Ташқи вазирлигининг баёнотида бундай де-яларди:

«Афғонистон ҳудудидан қуолиш тўдалар қилган ҳужум натижасида Тожикистон-Афғонистон чегарасини кўриқлаб турган Россия ҳарбий хизматчиларидан бир неча киши ўлди ва яраланди. Вазирилар Афғонистон Ислам Республикасининг раҳбариятига мурожаат этиб бундай ҳаракатларга йўл қўймаслик учун ҳамма чораларни кўришга қатъий даъват қилди.

МДХдаги «Афғон» жангчиларнинг ҳаракатини гуруҳи кеча эрталаб тинчилик-варлик мuddаси билан Тожикистонга жўнаб кетди.

«Афғонлар» Кремль девори ёнидаги номаълум аскар қабрига гуллар қўйгач, салкам 500 миллион сўмлик инсонийлик ердани билан йўлга чинди.

Кеча жаҳон соғлиқини сақлаш ташкилоти (ВКСТ)нинг ташаббуси билан Россияда кашанидаги қарши кураш кўрилади.

Ҳамма жойда хоржий сипагаретларни қўз-қўз қилиш шифофорларни аниқча ташвишга солмоқда. Мутахассислар ишхоналарда, жамоат жойларида чекниши чеклаш қондаларини ишлаб чиқиш зарур деб ҳисобламоқдалар, тамани маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар қизмасига сипагетлар аниқча оғохлантуруви сўзлар ёнаб қўйиш мажбурияти юклиши талаб қилмоқдалар.

Озарбайжоннинг чегара жойлари кеча кечаси нисбатан осийишта бўлди, деб хабар қилди республика мудофаа вазирлиги.

Шу билан бирга, кеча артабл Фузулий туманининг маъмурий маркази ва бошқа баъзи манзилларга ракета ва тўп отилди. Арманистон томонидан Загелдан туманининг қишлоқлари ҳам ўнча тутилди.

ГОЛЛАНДИЯ КАРТОШКАСИ УРУҒЛИК МУАММОСНИИ ҲАЛ ЭТАДИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ДАЛАЛАРИГА КАРТОШКАНИНГ «КАРДИНАЛ» ВА «ДИАМАНТ» НАВЛАРИ ЭКИЛАДИ

ТОШКЕНТ шаҳри ва вилояти аҳолиси Голландиядан келтирилган «Кардинал» нав картошка таъминоти шу йил куздаёқ татиб кўради. Урта-кечки нав «Кардинал» ва «Диамант» картошка уруғлиги вилоят ҳўжаликларига картошка омборхоналарига бутун-эрта ташиб бўлинад.

Голландия уруғлиги учун пойтахт вилояти далаларидан 15 таноб ер ажратилди. Бу жумҳурият ҳукумати пахта толаси эвазига харид қилган жами уруғлик картошканинг учдан бир қисми-ди.

Бизда бундай уруғлик ҳеч қачон бўлмаган, — дейди «Ташлодоовошчин-пром»нинг етакчи мутахассиси М. Ҳодирев. — Мен билган лайтлардан буён ўзбек картошқакорлари уруғлик етишмаслигиндан қийналиб келишган. МДХнинг турли минтақаларидан келтирилган уруғликлар ҳар хил бўлгани учун мўл ҳосил олишнинг иложи йўқ эди. Бироқ шунга қарамай, ахбиқ Иттифонда даврида соҳиб ҳозирдан бирмунча долдуст эди. Кейинги икки йилдан бери мутлақо уруғликсиз қолдиқ десак, мубодила бўлмайд.

«Кардинал» ва «Диамант» нав уруғларини қўлайтиришга эришсалар, бу борадан муаммо ҳал этилади. Ҳозирча уруғликнинг баҳоси қимматлиги (килоос 70 сўм) деҳқонларнинг бироз чўчитмоқда. Аммо уллар картошка сақлаш омборхоналари билан кузда, яъни ҳосилини йириб-териб олиб, сотанларидан сўнг ҳисоб-китоб қилдилар. Бундан



Сирдарё вилоятининг Янгйер шаҳрида «Марчелла» ширкати ташкил топанга кўп бўлган йўқ. Буғунги кунда унинг юздан ортиқ буржумачилари бор. Унинг доний вилоят ташқирисига ҳам бориб етди. Бу ерда йиғиладиган ортиқ моҳир тикувчилар, моделерлар меҳнат қилишиб, бежирим кийим-кечақлар тикришмоқда. Бу ширкатнинг бошқарувчилари, Давлатовлар олдаси бундан бир йил олдин бешта тикув машинаси сотиб олинган эди. Эндиликда ишлаб чиқариш кундан-кунга кенгаймоқда.

СУРАТДА: модельер Аюлат Темирова иш устида. Б. ТУРАЕВ олган сурат.

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАПТИ?

ЯНГИ ҒАМХЎРЛИК ТИМСОЛИ

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги мавжуд қийинчиликларга қарамай, Президентимизнинг фан ва таълимни ривожлантириш йўлидаги сий-ҳаракатлари бизни гоят руҳлантирмоқда. Меҳнат ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, бошқа ошқарма индустриаларнинг миқдорини ошириш ҳақида бозорини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида яқинда қабул қилинган Фармон бу йўналишда яна бир муҳим қадам бўлди. Уни эър мамуният билан кўриб олдик. Олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билми юртлари ўқувчиларининг стипендиялари шу йил 1 июндан 2,5 баравар оширилганлиги, талабаларнинг ошқоқналари ва буфетларда тушга ошқоқларнинг қиймати-дан 50 фоизли чегирмалар сақлаб қолинганини ўғил-қизларимизни иқтисодий ҳимоялаш йўлидаги янги ғамхўрлик тимсоли деб биламиз.

Фармоннинг моҳиятини ўқитувчилар ва талабалар қалби ва онга етказиш йўлида катта тушунишни ишчиларини олиб бормоқдамиз. Группаларда ва ётоқхоналарда суҳбатлар ўтказилмоқда. Шунингдек, илмий конференция Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн иккинчи сессиясида сўзлаган нутқини, «Янги уй қўрмай туриб, эскисини бузмай» китобини

Т. МИРКОМИЛОВ, Тошкент илм-технология институти ректори. Қ. АҲМЕДОВ, профессор.

КАЛИШ КЕРАКМИ?

Шаҳрисабз савдо уйи «Ўзбекистон-Италия-Молдавия» ҳамкорлигида «Калиш» заводида «Калиш» — 2/5 маркали қилиш ишлаб чиқиш линиясини сотиб олди. У кунига 2400 мўлдан ортиқ маҳсулот тайёрлайди. Айни пайтда ускуналарни илҳозда қисқа мuddатда — атғи икки ойда ўрна-тиш ва ишга тушириш

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиний ишларни судлов ҳайъати 7 июнь кун Олий суд аъзоси Р. Алимқуллов раислигида, давлат айбловчиси О. Юнусов ва адвокат Ш. Спикид иштирокида республиканинг собиқ вице-президенти Ш. Мирсаидовга нисбатан қўзғатилган жиний ишни кўриб чиқа бошлади. Тергов идоралари Ш. Мирсаидовни хизмат мақома-лари ва буфетларда тушга ошқоқларнинг қиймати-дан 50 фоизли чегирмалар сақлаб қолинганини ўғил-қизларимизни иқтисодий ҳимоялаш йўлидаги янги ғамхўрлик тимсоли деб биламиз.

Бундан ташқари, Ш. Мирсаидов ўзининг бир қанча қариндошларига Тошкент шаҳрида уяштирилган йўл билан ер участкаларини ажратиб беришда айбланган. Қонунда қўзда тутилган индек, судланувчининг айбдор ёки айбдор эмаслиги масаласини Олий суд ҳал қилади. (ЎА).

Хар бир журналист ўзининг шахсий фикрини айтишга ҳақлидир. Бундай фикрлар жуда кўп бўлиши мумкин. Аммо ҳамма учун ҳаминча ўзгармас ва йтоа ҳақиқат мавжуд. Владимир Пильник шу ҳақиқатга амал қилган!

ЖУРНАЛИСТИКА НИМАСИ БИЛАН ҚУДРАТЛИ?

Журналистика нимаси билан қудратли? Биринчи навбатда далилларга асосланганлиги ва ҳулосалари билан қудратли. Владимир Пильникнинг таҳлилчи мақоласининг бирорларнинг «субюртмаси»га уммайдиган «катта журналистика»га оид мақоладар сирасига киритиш учун ҳамма асослар бор. Бундай ҳулоса чиқариш учун кўчларнинг қандай жойлашганини билмоқ керак, шу кўчлар орасида ўша Американинг ўзида ҳам Ўзбекистонда ўтказилмаган сибатдан норози кишилар эс эмас. В. Пильникнинг фикри бошқача. Муаллиф бундай ёзади:

(ЎА мухбири).

«ИККИНЧИ ТОМОННИНГ ҲАМ ФИКРИГА ҚУЛОҚ СОЛИНАДИ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Капиталистик давлатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатилмоқда... Шундай эмасми, ахир? Ҳолоқи, бошқа «мустақил» журналистлар, сибастунослар, мутахассислар мақолаларида буларнинг ҳаммаси ўзгача: ё шарҳатсиз давлат монополияси, ёки кучлироқ мамлакатларга қарамликнинг кузайиб бориши ёхуд Ўзбекистоннинг қандайдир ўзга сибсий мағонага ўтишга интилиши, деб талқин этилмоқда. Энди республикадаги инсон ҳуқуқларига қайтайлик, «демократлар» шу ҳуқуқларнинг бузилаётгани ҳақида мулоҳаза қилишни ёқтирадилар. В. Пильник уллар билан баҳсдашиб ўтирмай, мангидий ёнаб берилади: «Инсон ҳуқуқлари янхитдан Ўзбекистон собиқ совет республикалари орасида охириги ўринда турар эмиш. Ҳўш, агар масала шу тарзда қўйилган бўлса, бу борада кимни рекордчи дейиш керак? Дестрбўфини можаросига ўралашган Молдованими, ёки Жанубий Осетия ва Абхазия ишқалиганими? Арманистон билан Озарбайжон ўртасидаги кўп йиллик можаро қанчадан-қанча одамларнинг етегини қуритганини ким ҳисоблаб чиққан? Тожики-

тончи?... Шундай қийин шартинда Ўзбекистон Республикасида баркорларнинг сақлаб туриш Қаримовнинг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда. Фақат шундай сибаст ўтказилгандагина у хоржий сармояларни Ўзбекистонга жалоб этиши мумкин. В. Пильникнинг Марказий Осиеда юз бераётган воқеаларни мағтидан идрок этиб, улларни бир закирга боғлаб олишига, асосий масалани иккинчи даражали масалалардан фарқ қила олишига таи берайи. Иккинчи томондан, муаллиф (хамаси, у асли Ўзбекистонлик) етарли даражада яхши ва ишончли маълумотларни тўплай олган жуда муҳим. Пильник ашаддий реакцион оқим ҳисобланган мусулмон ақидадарастлиги тўғрисида гапирар экан, собиқ Урта Осие республикалари доираси билан чекланиб қолмайди. Оқиқ ишлашга руҳсат этилган «мусулмон биродарлар» ташкилотининг бебошлигидан миллион Мисриги мисол қилиб келтиради. У Тошкентдаги «талабаларнинг январь воқеалари» деб аталган воқеалар тўғрисидаги афсонани тўла фош қилиб, уни ўз-ўзидан вуқудга келган намойиш деб. бўлмаслигини қўрсатувчи воқеаларни келтира-

Бир хат изидан

ДАЪВОЛАР ҲАМ ҲАЁТ НАҚДАР ҲАМ...

МУХБИРИМИЗ САЙХУНОВ ДАЪВОЛАР ҲАМ ҲАЁТ НАҚДАР ҲАМ...

Ривоят қилишларча, бир гўдак тутилган чоғида, ҳар қанча овуғмасинлар, юзим тилдалаганча увалло...

районнинг Бахт шаҳридан одамлар олинди, масалан, қадрлар бўлими бошлиғи Малика Абдуллаева...

дан чиқиб кетар экан аччиқланди: «Ахир бу ерга фақат «муш тиллаганлар» йирилган-ку? Э-э, сизга ҳам ишонч қолмади»...

ЭЪЛОНЛАР 1993 йилнинг 1 июнидан бошлаб ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ УЧУН ЯНГИ НАРХЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ким билан ҳамкорлик қилиш керак? Кимга ишонса булади? "УЗЛАВРОСТРОЙТЕХКОМПЛЕКТ" УЗГАСТК

Волейбол СОЛОННИКА С А Р И ШВЕЦАРИЯНИНГ Лозанна шаҳрида Халқаро Волейбол Федерацияси (ФИБВ) жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувларида қатнашадиган турма жамоалари гуруҳларга ажратди.

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Футбол МЕҲМОНЛАРНИ СИЙЛАШМАДИ ОЛИИ ЛИГА жамоалари 12-тур ўйинларини ўтказдилар. Учрашувлар мурасида кечди.

ОЛИИ ЛИГА 5 ИЮНГА БУЛГАН ВАЗИЯТ

ДИККАТ! "Интер" фирмаси қошидаги биринчи ўзбекистон чеклов кассаси кичик корхоналар, масъулия чеклован жамиятлар, ҳусулий корхоналар, тижорат банкилари ва бошқа ҳуқуқий шахсларга 12 ой муддатга 500 миңдан 200 миллион сўмгача бўлган қарбни (ссуда) устама фоизларсиз бериш тўғрисида.

Аҳвол қалай, қишлоқдош! МАДАНИЯТГА ҒАМҲҲҲЛИК КЕРАК Қишлоқ маданиятини юксалтириш, мавжуд муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Биринчи ТАВАҚА ва қишлоқдаги клубларда қишлоқ клуби ва няхот 1 та мусиқа мактаби бор. Кейинги йилларда мазкур тармақларимизда сезиларли даражада ўзгаришлар бўлди.

ҲАР БИР ҚИШЛОҚ КЛУБЛАРИДА МУСИҚИ ДАСТАЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛГАН. Уларнинг қолдири муносиб ишлаб турибди. Натияжада ёш авлод ичидан истеъдодли санъаткорлар етишиб чиқаётди.

Узбекистон давлат кимё sanoati концерни жамоаси Узбекистон кимё sanoati тармоқлари касаба уюшмаси марказий қўмитасининг меҳнат техник инспектори С. Тулаганова онаси

Халқ сўзи НАРОДНОЕ СЛОВО ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64808.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Манзилими: 700000, ГСП. Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй. Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди.

Манзилими: 700000, ГСП. Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй. Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди.